

МАНЗУ №-7: Ўзбекистонда Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш ҳамда фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимлари (ФВДТ).

РЕЖА:

1. Республикада фавқулодда вазиятлар давлат тизими
2. Фуқаро муҳофазасининг асосий вазифалари
3. Фуқароларни фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Калит сўзлар: авария-қутқарув, куч ва воситалари, нажоткор, халоскор, қутқарувчи, камчик, олмасор. Калит сўзлар: вазирликлар ва идораларнинг профессионал ихтисослаштирилган бўлинмалари ва тузилмалари, республика, маҳаллий ва объектлар даражасида ФВДТга тегишли ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари.

1. Республикада фавқулодда вазиятлар давлат тизими

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳолларда ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 558-сон (1998 й.) Қарори қабул қилинган. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) нинг асосий вазифаларини, унинг ташкил этилишини, таркибини ва фаолият кўрсатиш тартибини белгилаб беради.

ФВДТ нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Тинчлик ва ҳарбий даврда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрий ҳужжатлари ягона концепсиясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- Республика ҳудудидаги мумкин бўлган техноген ва табиий фавқулодда вазиятларни ифодалаш, башоратлаш, уларнинг оқибатларини баҳолаш;

-Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, одамлар хавфсизлигини таъминлашга, хавфли технологиялар ва бошқа ишлаб чиқаришларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-техник дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Бошқарув органлари ва тизимларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун мўлжалланган куч ва воситаларнинг доимий тайёрлигини таъминлаш;

- Аҳолини, бошқарув органлари бошлиқларини, ФВДТ куч ва воситаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш;

- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадбирларни амалга ошириш;

- Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш соҳасида, шу жумладан уларни тугатишда бевосита қатнашган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

- Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик қилиш;

. Ҳозирги кунда ФВДТнинг Республика, маҳаллий ва об`ект босқичидан иборат 14 та ҳудудий ва 40 дан ортиқ функционал қўйи тизимдан иборат бўлган фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизими ўз фаолиятини кўрсатмоқда. Бу тизимнинг ягона концепсияни белгилаш, башоратлаш, таҳлилий ишлар, турли дастурлар яратиш ва уларни амалга ошириш, фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг доимий тайёргарлигини таъминлаш, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатларни бартараф қилиш ҳамда халқаро ҳамкорлик борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бу тизимни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳукуратимиз томонидан фуқароларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлашни ташкил этиш, ФВ ларни таснифлаш, авария-қутқарув тизимларини кенгайтириш, вазифаларини такомиллаштириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, сув ости хизматини яратиш каби тадбирлар борасида катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб ФВДТ таркибида «Нажоткор» Республика кидирув-қутқарув маркази, «Халоскор» махсус ҳарбийлаштирилган кидирув-қутқарув қисми, «Қутқарувчи», «Қамчиқ», «Олмазор» қисмлари ташкил этилиб, улар томонидан 10 мингдан ортиқ маротаба турли фавқулодда вазиятларда аҳолига ёрдам берилди.

Жумладан, Тожикистон Республикасининг Қайроққум бекатида содир бўлган темир йўл ҳалокати, 1998 йилда Шохимардонда содир бўлган сел офати, 1999 йилда Туркияда рёой берган Измир zilзиласи, 1999 йилда Қамчиқ довонида юзага келган қор кўчиши, 2001 йилда юз берган Тошкент вилояти Қодирия бекатидаги темир йўл ҳалокати, 2003 йилда Қирғисистондаги ер сурилиши ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бу йўналишдаги ишлар савиясини янада ошириш мақсадида Республиканинг кўпгина шаҳарларида, жумладан: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Чирчиқ, Ангрен ва бошқа жойларда махсус «Қутқарув хизмати» тизимлари тузилган ва уларнинг зиммасига ҳар қандай экстремал вазиятларда аҳолининг ҳаётига, саломатлигига хавф солувчи ҳолатларда ёрдам бериш вазифаси юклатилган.

Қутқарув хизмати тизимларининг ўз телефон рақамлари мавжуд (масалан, Тошкент шаҳрида 1050; Самарқанд шаҳрида 1911 ва ҳоказо).

Шундай қилиб, фуқаролар муҳофазаси ҳар қандай фавқулодда вазиятларда фуқароларни, моддий ресурсларни муҳофаза қилиш, фуқароларни қандай хатти-ҳаракат қилиши, уларга қандай чора-тадбирлар билан ёрдам бериши, шикастланган ҳудудларда қутқарув ва тиклов

ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш тармоқларини муттасил ишлашини таъминлаш вазифаларини бажаради. Зеро, ер юзида умумий қирғин қуроли, ҳужумкор қуролининг замонавий турлари мавжуд экан, шу билан бирга табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бўлишлиги муқаррар бўлганлигидан ҳар бир давлатда ва унинг ҳар бир ҳудудида ва бўғинида фуқаролар муҳофазаси давлат тизими ташкил этилади ва унинг вазифалари аниқ белгиланади.

2.Фуқаро муҳофазасининг асосий вазифалари. Фуқаролар муҳофазаси давлат тизимлари – ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бундай кенг қамровли вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2000 йилда «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қабул қилинган қонунларида ўз аксини топган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини ҳамда фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини ҳам белгилаб берган.

Фуқаро муҳофазасининг асосий вазифалари қуйидаги йўналишдаги тадбирлар мажмуасидан иборат:

1. Аҳолини, ҳудудларни ва моддий бойликларни фавқулодда вазиятлар оқибатидан (душманинг ҳарбий ҳаракатларидан, табиий офат, авария ва ҳалокатлардан) муҳофаза қилиш;

2. Ҳар қандай фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги тармоқларининг, объектларнинг барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;

3. Фуқаро муҳофазаси куч ва воситалари шайлигини таъминлаш;

4. Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;

5. Фавқулодда вазиятлар давлат тизими раҳбарларини,

мутахассисларини ва фуқаро муҳофазаси кучларини фуқаро муҳофазасига тайёрлаш ҳамда оддий аҳолини ҳимояланиш қоидаларига ўргатиш.

Бундай йўналишдаги вазифаларнинг ҳар бирини бажариш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш орқалигина мақсадга эришилади. Жумладан, фуқаро муҳофазасининг ҳарбий даврдаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) Аҳоли ва объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш;

2) Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

3) Иқтисодиёт объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;

4) Аҳолининг моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуатсия қилиш;

5) Фуқаро муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини таъминлаш;

6) Аҳолини умумий ва шахсий сақловчи воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш;

7) Аҳолининг ҳарбий даврдаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

8) Радиатсиявий, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш;

9) Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;

10) Ҳарбий даврларда ҳам зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ;

11) Аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Шулардан келиб чиқиб, бундай тадбирларни муваффақиятли олиб бормай туриб зарарланган ҳудудларда аҳолининг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаб бўлмайд.

3.Фуқароларни фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Маълумки, фуқаролар муҳофазаси умумхалқ мудофаа ишларидан бири ҳисобланади. Барча фуқаролар фуқаро муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишларини тақозо этади. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 й.) Қонунининг 13- ва 14-моддаларида, ҳамда «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1999 й.) Қонунининг 15- ва 16- моддаларида аниқ кўрсатилган.

Ҳуқуқлари

1. Фавқулодда вазият рўй берганда ҳаётлари, соғлиқлари ва шахсий мол-мулклари муҳофазаланиши;

2. Умумий ва яқка ҳимояланиш воситаларидан ҳамда бошқа муҳофазаланиш учун мўлжалланган мол-мулкдан фойдаланиш;

3. Мамлакат ҳудудларида дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражаси тўғрисида ҳамда зарур хавфсизлик чоралари ҳақида хабардор бўлиш;

4. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш масалалари юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат этиш;

5. Жамоат бирлашмалари фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишлари;

6. Фавқулодда вазиятлар рўй берган ҳудудларда ишлаганлиги учун бепул тиббий хизмат, компенсациялар ва бошқа имтиёзлар олиш;

7. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мажбуриятларини бажариш чоғида боқувчиси ҳалок бўлганда ёки меҳнатдан майиб бўлиши туфайли ҳалок бўлган шахснинг оила аъзолари учун белгиланган тартибда нафақа олиш;

8. Давлат ижтимоий суғуртаси тартиби ва шартлари, компенсациялар ва имтиёз турлари ва миқдорлари қонун ҳужжатлари асосида тўланади.

Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари қуйидагилардан иборат :

- Хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ва технология интизоми, экологик хавфсизлик фавқулодда вазиятлар рўй беришига йўл қўймасликлари;

- Муҳофазаланишнинг асосий усуллари, жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўллари ўрганишлари ҳамда ўз билим ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришлари;

- Фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган авариялар, офатлар ва ҳалокатлар таҳдидидан дарак берувчи аломатлар борлиги тўғрисида тегишли органларга хабар беришлари;

- Фавқулодда вазиятлар таҳдид солган ва бошлаган шароитларда огоҳлантириш белгилари, юриш-туриш қоидалари ва ҳаракат қилиш таркибини, умумий ва яқка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш усуллари билишлари;

- Зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва тиклов ишларини ўтказишда ёрдамлашишлари.

Юқоридаги мажбуриятларни тўлиқ бажарилиши фуқаролар муҳофазаси тизимини мустаҳкамланишини, жумладан, давлатнинг муҳофаа кудратини оширишни таъминлайди.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Республикада фавқулодда вазиятлар давлат тизими нима?

2. Фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифалари нималардан иборат?

3. ФВ ларда фуқаро муҳофазаси муҳофазаси билан боғлиқ органлар тизимлари ва улар таркибидаги ҳизматли қисмлар ҳақида нималарни биласиз?

- ▶ Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати
- ▶ 1. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида. 2010 йил 17 сентябр.
- ▶ 2. “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги 2000 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- ▶ 3. “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркурандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2000 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- ▶ 4. “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги 2000 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- ▶ 5. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 2000 йил 15 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- ▶ 6. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги 2006 йил 28 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
- ▶ 7. I. Nigmatov , Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi : Ma`ruzalar to`plami Toshkent : TDTU, 2015, 260 b.
- ▶ 8. M. Tojiyev, I. Nigmatov Hayot faoliyati xavfsizligi: o`quv qo`llanma; O`zbekiston Respublika Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, - Toshkent: «Tafakkur-Bo`stoni», 2012 yil, 272 bet
- ▶ 9. O. Qudratov, T. Ganiev «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» T: 2005 yil.
- ▶ 10. Raḥmonov va boshqalar. “Favqulodda vaziyatlar shikastlanganlarga birinchi tibbiy ёрдам кўрсатиш. Т. “Фан” 2004
- ▶ 11. Nigmatov I., Azimov A., Tojiyev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi fanidan amaliy mashg'ulotlar. Uslubiy qўllanma. TDTU, 2015 y.
- ▶ 12. Tojiyev M., Nigmatov I. “Xaёт faoliyati xavfsizligi” Ўқув қўлланма.-Т: “Тafakkur-Bo`stoni”, 2012, 272 б.

▶ **13.Интернет сайтлар:**

▶ **www.ziynet.uz;**

▶ **www.lex.uz;**

▶ **www.bilim.uz;**

▶ **www.gov.uz;-Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.**

▶ **www.satbask.ru-научные статьи и учебные материалы**

▶